



МАҲМУД ЗАМАҲШАРИЙ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙ-АХЛОҚИЙ ТАЪЛИМОТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Айтбаев Мансурбек Юсупович

Тошкент давлат аграр университети

Гуманитар фанлар ва ҳуқуқ кафедраси доценти, ф.д. (PhD)

Аннотация. Мақолада Маҳмуд Замаҳшарийнинг ибратли ҳаёти ва илмий фаолияти, муҳим кашфиётлари, ҳаёт йўли ва диний-фалсафий мероси, ижтимоий-ахлоқий таълимотининг ўзига хос жиҳатлари кенг ёритилиб берилган.

Калит сўзлар. Заковат, муътазил, ижтимоий, тазаллул ва тавозуъ, салжуқий

Истиқлол шарофати билан халқимизнинг миллий қадриятлари, миллий анъаналар, дин ва маданиятни қайта тиклашга ва мустаҳкамлашга, халқимиз маданий меросини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Чунки айнан мамлакатимиз нафақат Шарқ цивилизацияси ривожда балки умумжаҳон цивилизацияси тараққиёт йўналишини белгилашда муҳим ўринни эгаллайди. Бу мамлакатда кутубхоналарида сақланаётган 20 мингдан ортиқ қўлёзмаларда бизнинг беқиёс маънавий бойлигимиз ҳисобланади. Шу боисдан ҳам аждодларимиз томонидан тўплаган илмий-фалсафий, диний ва ахлоқий мерос халқ фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Айниқса буюк алломаларимизнинг ёш авлодга қолдирган бебаҳо маданий мероси уларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси ва фалсафий дунёқарашини юксалтиришда муҳим ўрин тутди.

Ҳозирги даврда Мовароуннаҳр ҳамда Хуросонда етишиб чиққан кўплаб олимлар маданий меросини ўрганиш айниқса Хоразм заминидан етишиб чиққан улуғ аждодимиз Маҳмуд Замаҳшарий дин-фалсафий меросини атрофлича ўрганиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Маҳмуд Замаҳшарий ўз даврида кўрсатган буюк хизматлари учун “Жоруллоҳ” – яъни “Аллоҳнинг қўшнисини” деган юксак маънавий мақомга эга бўлган. Аллома яратган “Ал-Муфассал” китоби ўз даврида араб тилининг грамматикасига асос қилиб олинган ва у бугунги кунга қадар араб дунёсида кенг доирада фойдаланилади. Маҳмуд Замаҳшарийнинг диний-фалсафий мероси умумбашарий аҳамиятга эга қадрият бўлганлиги учун ҳам дунё миқёсида Шарқ ва Ғарб олимлари томонидан кенг доирада тадқиқ этиб келинмоқда. Истиқлол шарофати билан Маҳмуд Замаҳшарийнинг баъзи китоблари таржима қилинди ва уларга шарҳ ва изоҳлар ёзилди. Алломанинг кўплаб асарлари исломшунослик ва араб луғатшунослиги бўйича асосий қўлланма сифатида Германия, Франция, Англия ва АҚШда бир неча бор нашр этиб келинмоқда. Бизга маълумки мамлакатимизда 1995 йил 26 апрел кунида



Вазирлар Маҳкамасининг “Жаҳон фани ва маданияти равнақиға, айниқса, Марказий Осиё халқларининг маънавий тараққиётиға улкан ҳисса қўшган алломалар Маҳмуд Замаҳшарийнинг таваллуд топганиға 920 йил, Нажмиддин Кубронинг таваллудиға 850 йил тўлиши муносабати билан” 128-Ф фармойиши чиқди. Айни шу эътибор сабаб олимларимиз томонидан Маҳмуд Замаҳшарий асарларини тадқиқ қилиш ва ўрганишға алоҳида эътибор қаратилди. Мамлакатимизда аллома ижодини ўрганиш бўйича дастлабки тадқиқотлар ХХ аср бошларида Садриддин Айний, Алибек Рустамов, Убайдулла Уватов, З. Исломов, М. Ҳакимжонов, М. Носирова, Н. Сулаймонова, А.Болтаев, А.Зоҳидов, Қ. Маҳмудов, М. Аъзам, Н. Шарипов ва Ў. Қориев томонидан олиб борилган. Йирик шарқшунос олимлар К.Броккельман, Х.А. Гибб, И.Ю.Крачковский, Б.З.Холидов, А.Б.Холидов, В.М.Белкинлар алломанинг ҳаёт йўли ва илмий меросини ўрганиш бўйича бир неча муҳим натижалар қўлга киритилган. IX-XII асрлар юртимизда инсоният уйғониш (ренессанс) деб тан олинади. Чунки айни шу даврда илм-фан, маданият ривожига алоҳида эътибор қаратилган. Маҳмуд Замаҳшарий ўзининг «Рабийъ алаброр ва нусус ал-ахбор» («Яхшилар баҳори ва хабарлар изҳори») асарида машҳур саҳобалардан бири Абу Ҳурайра ривоят қилган муборак бир ҳадисидан маълум бўладики, Расулulloҳ (с.а.в.) ҳазратлари Хоразмға ғоятда юксак таъриф берган эканлар: “Хоразмда атиги бир кечагина тунаган инсон қандай бахтли-я! Хоразмнинг чангу ғубори теккан кишидан бахтли инсон бўлмаса керак! Хоразмда икки ракаат бўлса ҳам, намоз ўқиган киши қандай бахтиёр инсон-а! – деб марҳамат қилган эканлар”²⁶. Маҳмуд Замаҳшарий Хоразм халқи эътиқоди ҳақида қуйидагича фикр билдирган: “Хоразмнинг афзал жиҳати шундан иборатки, у адл ва тавҳид аҳли йўли бўлмиш тўғри йўлдан бормоқда”²⁷. Бундан маълум бўладики, Ислом дини ва унинг асосий манбаси бўлган “Қуръони Карим” ғояларининг ўлка ҳаётиға кириб келиши ва кенг ёйилиши давомида аста-секин ислом маданиятини шаклланишиға сабаб бўлган.

Маҳмуд Замаҳшарийнинг ижтимоий-фалсафий қарашларини шаклланишидаги ўзига хос жиҳатларни чуқур ўрганишимиз учун биринчи ўринда, у яшаган давр муҳитини, давлат тузумини, бундан ташқари, жамият маънавий-руҳий ҳолатини яхши билиб олишимиз керак бўлади. Чунки инсонни диний-фалсафий дунёқарашини шакллантирадиган, ҳаттоки, унинг ҳаёт йўлини белгилаб берадиган омил ижтимоий муҳит ҳисобланади. Булардан биринчиси, Маҳмуд Замаҳшарий яшаган давр салжуқийлар ҳукмдори султон Маликшоҳ ва унинг машҳур вазири Низомулмулк давриға тўғри келади. Айнан улар илм-фан ва маърифат ҳомийси сифатида бу соҳа ривожига улкан ҳисса қўшганлар. Салжуқийлар султони Муҳаммад ибн Абу-л-Фатҳ Маликшоҳ ўзининг адолатли ҳукумдорлиги билан бош вазир Низомулмулк эса олимларға, шоиру адибларға

²⁶ Маҳмуд Замаҳшарий «Рабийъ ал-аброр ва нусус ал-ахбор» («Яхшилар баҳори ва хабарлар изҳори») (1-жилд, 349-351 бетлар).

²⁷ Қаранг. Болтаев А. Маҳмуд Замаҳшарийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари. (Дис-я).



беғараз кўмак берган инсон сифатида ном қозонган. Шунингдек, аллома салжуқийларнинг подшоҳи Муизиддин Санжар (у 1117-1118 йилларда ҳокимлик қилган) ҳамда Хоразмшоҳ Муҳаммад ибн Ануштегин (1096 – 1127)га бағишлаб мадҳиялар ёзади. Маҳмуд Замахшарий ўзининг “Муқаддимат ул-адаб” (“Адабиётга кириш”) асарини Муҳаммад Ануштегиннинг ўғли Отсизнинг илтимосига кўра ёзади ва “Муқаддимат ал-адаб” да султоннинг ўғли Хоразмшоҳ Отсизнинг (1127-1156) илм аҳллари ва адибларига нисбатан ғамхўрлигини алоҳида эътироф этади. Бундан Маҳмуд Замахшарий диний-фалсафий қарашларини шаклланишида юқоридаги шоҳ ва вазирларнинг таъсири катта бўлганлиги яққол билиб олишимиз мумкин бўлади. Иккинчи омил эса Маҳмуд Замахшарийнинг диний-эътиқодий қарашлари билан боғлиқ. Сабаби аллома ўз диний-эътиқодий қарашларини аввало мусулмон, қолаверса, муътазилий оқимиغا мансублигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Маҳмуд Замахшарийнинг муътазилий оқимиغا мансублигини биринчидан ота-онасининг ҳам шу оқимдалиги билан боғлиқ бўлса, иккинчидан устози Абу Музар Маҳмуд ибн Жарир Заббий Исфаҳоний ҳам муътазилий оқимиغا эътиқод қилганлиги билан характерланади. Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддимат ул-адаб» асарининг йиғма илмий-танқидий матни 2002 йилда З.Исломов томонидан “Тошкент ислом университети” нашриётида чоп этилган²⁸. Унинг “Асос ул-балоғат” (“Балоғат асослари”) асари араб тилининг фасоҳати, мукамаллиги, фасоҳат ва балоғат илми ҳақида қуйидаги ислом динининг асосий манбаларига таяниб чуқур билиб беради:

Қуръони карим;

Пайғамбар ҳадислари;

Умар, Али каби халифалар, саҳобалар ва бошқа фасоҳатли нотикларнинг калимаю сўзлари;

Жоҳилия, исломдан аввалги ва ислом шоирларининг шеърлари;

Масаллар;

Араблар насрий асарларида қўлланилган иборалар.

Маҳмуд Замахшарий ўз қарашларида давлатнинг идора тизими, унинг порахўрлик асосида инқирозга юз тутиши ҳақида шундай ёзади: “пора фақат ноҳақлигу золимларга ёрдам бергусидир”²⁹. Замахшарий ўз даврининг машҳур сиёсат арбоби салжуқийлар вазири Низомулмулк билан яқин муносабатда бўлади. Низомулмулкнинг давлат бошқарувидаги ўрни, давлат ишларини бошқариш санъатидан, сиёсий саҳнадаги нуфуздан келиб чиқиб унга атаб қасида ёзади. Вазирнинг давлатнинг нуфузини оширишдаги ўрни ҳақида аллома шундай хулосага келади: “Ҳар бир вазир қайчи мисолидир (агар қайчининг бир таянчи бўлмаса, иккинчи томони ҳеч нарсага қодир

²⁸ Маҳмуд Замахшарий. Муқаддамату-л-адаб (фёъллар)./ матн тузувчи З.Исломов.Т.: Тошкент ислом университети нашриёти,2002.

²⁹ Қаранг. Болтаев А. Маҳмуд Замахшарийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари. (дис 66-бет)



бўлолмайдиган), чунончи Мусо пайғамбар вазири Хорун билан муккамал бўлган”³⁰. Маҳмуд Замаҳшарий душманларни ички сирлардан хабардор бўлмаслиги кераклиги шундай ёзади: “Сенинг қилаётган ишингдан душманинг зинҳор огоҳ бўлиши, – дейди у, – сенга илон чаққандан кўра ҳам зарарли ва машаққатли бўлади”³¹.

Маҳмуд Замаҳшарийнинг ахлоқий қарашлари “Атвоқ уз-заҳаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб” (“Ваъз ва хутбаларда олтин шодалар”); “Рабиъ ал-аброр ва нусус-ул аҳёр” (“Тақводорлар баҳори ва фозиллар ахбори”), “Мақомот аз-Замаҳшарий” (“Маҳмуд Замаҳшарий мақомлари”); “Навобиғ ул-калим” (“Нозик иборалар”); “Насоих ул-кибар” (“Улуғларга насиҳат”). “Насоих ус-сиғар” (“Кичикларга насиҳат”) асарларида турли хил ҳикоялар ва рамзлар орқали ифода этилган. Маҳмуд Замаҳшарийнинг ахлоқий қарашларида ўз замонасининг турли табақа кишилари ва касб-ҳунар эгаларининг жамиятда тутган мавқеи ва ахлоқ-одоби тўғрисида муҳим ғоялар илгари сурилган. Аллома ҳар қандай эътиқодли инсон аввало хушхулк ва одамийлик зийнатига эга бўлиши лозим деган хулосага келади. Ва бу ҳақида шундай ёзади: “Гўзал сифат ва хушхулқлик сийратлари безамаган кишини ҳеч қандай чиройли кийимлар кўркам қилолмас, гуноҳ ва хатолардан сақланмаган кимсанинг қалби сира айбдан фориғ бўлмас”³². Маҳмуд Замаҳшарий ўзининг “Атвоқ уз-заҳаб” (“Олтин шодалар”) асарининг биринчи мақоласида инсон ахлоқ-одобини қуйидагича таърифлайди: “Инсоннинг асл отаси–бу унинг адабидир. Балки адаб бебош фарзанд учун отадан ҳам яхши тарбиячидир. Парҳезкорлик эса инсоннинг асл онасидир. Ўзингни шу икки меҳрибон мураббийлар бағрига топшир ваулардан зинҳор айрилма. Шундагина сени Тангри Таоло ўзининг неъматлари билан сероб қилур ҳамда ҳаётингни файзу баракотли этур”³³. Бундан маълум бўладики, Замаҳшарий инсон ҳаётида ахлоқ масаласи бош тамойил сифатида намоён бўлади. Юксак ахлоқли кишиларнинг муҳим хислатлари донолик, камтарлик, саҳийлик, гўзаллик ва мардликдан иборат бўлади. Мардлик ҳақида аллома шундай ёзади: “Мард мағлуб бўлса ҳам, тубан тушмайди”³⁴. Маҳмуд Замаҳшарий ақлий тарбияга ҳам алоҳида аҳамият беради. Алломанинг фикрича, “Ҳар қандай мушкул юмуш ақл – идрок эгалари туфайли ислоҳ қилинур, чунончи, еру осмон фақат ўз теграси қутблари атрофида айланар”³⁵. Бундан ташқари, аллома ақлли киши ва аҳмоқ кишини қуйидагича фарқлайди: “Ақлли инсон ақл ва мантиқ нимани тақозо қилса, ўша хайрли ишга ғайрат қилар. Аҳмоқ эса бир марта иши юришмай қолса, ҳафсаласи йўқолиб, ҳеч бир ишда ташаббус кўрсатмас ва чарчаб, ҳориган юк

³⁰ А.Болтаев. Аз-Замаҳшарийнинг сиёсий қарашлари // Мулоқот. Т.: 2003. №4. 44- бет.

³¹ А.Болтаев. Аз-Замаҳшарийнинг сиёсий қарашлари // Мулоқот. Т.: 2003. №4. 44- бет.

³² У.Уватов. Хоразмлик буюк аллома. 90 бет. Т.: Янги аср авлоди, 2006.

³³ Маҳмуд Замаҳшарий. “Атвоқ уз-заҳаб” Олтин шодалар 1-мақома (таржимон А.Мансуров).

³⁴ У.Уватов. Хоразмлик буюк аллома 77 бет Т.: Янги аср авлоди, 2006.

³⁵ У.Уватов. Хоразмлик буюк аллома 77 бет Т.: Янги аср авлоди, 2006. –Б.93.



ташувчилар каби ўтириб қолур”³⁶. Маҳмуд Замахшарий ўзининг “Навобиф ул-калим” (“Нозик иборалар”) асарида олимлар ҳақида фикр юритиб улар ҳақида шундай ёзади: “Еру заминнинг кўркамлиги олимлар бўлса, осмону фалакнинг зийнати эса юлдузлар биландир”³⁷. Маҳмуд Замахшарий илмсизликнинг моҳиятини шундай изоҳлайди, “илм қалбнинг нодонликдан фориғ бўлиши, заковатнинг чироғи, зуматда нур, заиф баданда қувватдир, илм ила инсон олий даражадаги ахборотлар манзилига етишади”³⁸.

Маҳмуд Замахшарий ўзининг “Олтин шодалар” асарида илм ва амал ҳақида қуйидаги фикр юритади: “Илмга амал қилувчи одам учун илм – қурувчи устанинг девор ва устунларни текис ва тўғри бўлишини таъминловчи ипи, шайини (тарозуси) кабидир. Шайини бўлмаган уста бинони қийшиқ қилиб қургандек, мезони (ўлчови) йўқ олим ҳам сув йўқ жойдан сув қаролмас. Ким комил инсон бўлишни истаса-ҳам олим, ҳам оъмил (амал қилувчи) бўлсин”³⁹. Маҳмуд Замахшарий адолат ҳақида фикр юритиб Сосонийлар ҳукмдори Ардашер ҳақида шундай ёзади: «Агар шоҳ адолатга рағбат қилса, халқ унга итоат қилишликка рағбат қилади»⁴⁰. Мутафаккир кишиларни ўз ҳаёти давомида доимий тарзда хайрли ишлар қилишликка ундайди. Бу ҳақида шундай ёзади: “Кимнинг кулидан хайр-баракали вапурҳикмат ишлар келмаса, унинг насабининг шарифлиги-ю, улуғлиги фойда келтирмас”⁴¹.

Маҳмуд Замахшарий ҳукумдорларни ҳақиқат ва адолат тамойиллари асосида иш юритиши кераклигини шундай изоҳлайди: “Тоғнинг энг тепасига (чўққисига) чиққан киши ундан йиқилишдан ғоят кўп огоҳ бўлмоғи лозим. Ҳақиқат ва адолат билан тўғри сиёсат юргизмаган ҳар бир раҳбар пировардида қаттиқ азоб-уқубат ва балога гирифтор бўлгуси”⁴². Маҳмуд Замахшарий ўзининг “Рабиъ ул-аброр ва нусус ул-ахёр” асарининг “Адолат, инсоф ва тенглик” бобида адолат ва адолатсизлик ҳақида гапирар экан, Арастуниг: “Адолат гўзалликдир, у барча гўзалликлар сабаби, шунинг учун ҳар нарсанинг ўртаси гўзалдир; адолатсизлик разилликдир, у барча разилликлар сабаби, шунинг учун ҳар нарсада ҳаддан ошиш разилликдир” ва Суқротнинг: “Хотиржам қалб инсон хурсандчилигининг манбаи, одил подшо олим шодлигининг масдари, безовта қалб инсон ғам-ғуссасининг манбаи бўлса, адолатсиз подшо олим қайғусининг сабабидир”⁴³, деган фикрларини эътироф этади. Маҳмуд Замахшарий адолат ва ҳақиқат ҳақида фикр юритиб, хатто ўзига бу фикри зарар келтирсада бор ҳақиқатни айтишга ҳаракат қилади. Шу боисдан ҳам алломанинг замондош

³⁶ У.Уватов. Хоразмлик буюк аллома 77 бет Т.: Янги аср авлоди, 2006. –Б.93.

³⁷ Маҳмуд аз-Замахшарий. “Навобиф ул-калим”, 75 бет (“Нозик иборалар”). У. Уватов таржимаси. Тошкент, Камалак. 1992.

³⁸ Маҳмуд аз-Замахшарий. “Робеъ ул-аброр” (“Хакгўйлар (яхшилар) баҳори”) 3-жилд. Бағдод, 74-бет.

³⁹ Маҳмуд Замахшарий. Олтин шодалар 77-мақома 67 бет

⁴⁰ Маҳмуд Замахшарий. Рабеъ ул-аброр ва нййс-ал-ахёр. 3-жилд. Бағдод, 74-бет.

⁴¹ Нозик иборалар, 73-бет.

⁴² У.Уватов. Хоразмлик буюк аллома. Т.//«Янги аср авлоди» 2006. 67 бет.

⁴³ Маҳмуд Замахшарий. Рабеъ-ул-аброр ва нусусу-ул-ахёр. Бағдод. 1982. 176 бет.



шоири Рашидуддин ал- Ватвот унинг бу маънавий жасорати ҳақида шундай ёзади: “У ҳатто ўзига зарар бўлсада, доимо адолат юзасидан иш тутар эди”⁴⁴.

Маҳмуд Замаҳшарий “Атвоқ уз-заҳаб” (Олтин Шодалар) асарида раҳбарлик мақомидаги кишиларга шундай насиҳат қилади: “Эй, сен кўп хизматчиларга амр этувчи бошлиқ мутасадди! Хизматчиларинг эришган зафарлар сени мағрур этмасин! Уларнинг сенинг амрингга мунтазир бўлмоқлари, олдиндан ва орқангдан мунтазам эргашувчи суворийларнинг тез суръат ила югуришлари (қўл остингдагилар олдинда кўрқиб, қалтираб туришлари, амр-фармонингга итоат этишларидан ва бир ишнинг тезроқ бажарилишини истаганингда қўл остингдагилар уни тез ва тўлиқ бажаришларидан сен кибр ва ғурур ҳосил қилма. Сенинг буюк ишлар қилишга моҳирлигинг, муаззам-буюк зафарларни қўлга киритишинг ҳам сени ғурурлантормасин. Унутмагилки, сенинг устингда сендан буюкроқ бир салтанат соҳиби бордирки, мавжуд иқтидор ва азаматлигинг, унинг иқтидори ва азаматлиги олдида ҳеч бўлиб қолади. Амир ва ясоқларинг (қўшинларинг) устидан асл бир соҳиб-раҳбар бордирки, сенинг амирларинг ва қўшинларинг уники олдида ҳеч нарса бўлмай қолади. Сенинг хизматингда оз фурсат бўлганлар қочиб кетиши мумкин, лекин сен Унинг қаҳридан қочолмайсан, Унинг олдида юзингни суркашнинг, тазаллул ва тавозуъ билан ўзингни ҳокисор қилиб кўрсатганинг ҳам фойда бермайди. Аллоҳнинг азамати, куч-қудрати олдида такаббурлигининг қирилиб (вайрон бўлиб), Унинг иродаси олдида сенинг ироданг жуда ожизлигини, бирор ишга ярамаслигини, ҳамма ишлар фақат Унинг истагича бўлишини тушунишга ожизлик қиласан”⁴⁵.

Маҳмуд Замаҳшарийнинг ахлоқий қарашларида ота-онани қадрлаш масаласи ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Унинг фикрича, “Онасини, отасини севган ва уларга итоат қилган одамга Аллоҳу Зулжалол ўз раҳматини ёғдирар. Аллоҳдан кўрқувчи (муттақий), ул зотнинг раҳматини тилаган, хеш-ақраболари, узоқ-яқин қариндошларига чиройли муомала қилувчи, ўзига ёмонлик қилган қариндошларига ҳам яхшилик тилувчи, уларнинг гина ва адоватлари, душманлиги тамом бўлгунчачидовчи инсон Ҳақнинг раҳматига сазовордир. Аллоҳ бундай душманларига ёмонлик қилишга йўл бермас. Яхши билгил-ки, қариндошлар билан яхши муомала қилмоқ ажойиб, улуғ ишдир. Шу билан бирга ҳар бир инсон қариндошларини доимо ҳимоя қилсин. Лекин яхши қариндошлардан (камбағал бўлгани учунгина) касалдан ҳазар қилгандай қочиш яхши эмасдир. Инсонга лойиқ бўлган пок, асл, ижобий хислат ўзидан бошқаларга ҳам фойда етказиш ва ҳидоят топишларига ёрдам беришдир”⁴⁶.

Хуллас, Маҳмуд Замаҳшарий дунёни теран англаган файласуф сифатида инсон ҳаётининг маъноси унинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлиқ эканлигини шундай тушунтиради: “қиморбозлар ой нуруни ғанимат билиб

⁴⁴ Ў.Қориев ва М.Ҳакимжонов. “Арабу ажамлар устози”. //Ўзбекистон Адабиёти ва санъати.

⁴⁵ Маҳмуд Замаҳшарий. Олтин шодалар 52-мақома. 52 бет

⁴⁶ Маҳмуд Замаҳшарий. Олтин шодалар 62-мақома. 59 бет.



қимор ўйнасалар, тунлари қиссаю ҳикоятлар тингловчилар эса бедорликка парво қилмайдилар”⁴⁷. Бу фикрлардан маълум бўладики, бу ҳаёт ҳар бир инсон дунёвий нафсини ўз измига бўйсундириши учун теран фалсафий мушоҳадага эга бўлиши лозим. Маҳмуд Замахшарий инсондаги бахилликни қоралаб шундай хулосага келади: “Бахилу хасиснинг қўли оқармас, яъни бирор нарсаберишга очилмас – токи тил билан қаттиқ сўзланмагунча, тоғдаги мавжуд бойликларни чиқариб бўлмас – токи лўм билан кучли зарба урилмагунча”⁴⁸. Дарҳақиқат, бахиллик бу кишини залолатга етакловчи иллатлардан ҳисобланади. Бахиллик инсонни саховатли бўлишдан, хайрсадақа, эҳсон қилиш каби инсоний сифатлардан маҳрум этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Д.Бобожонов, М.Абдурасулов “Абадият фарзандлари” - Хоразм: “Хоразм Маъмун академияси нашриёти”, 2009. –Б 8.
2. Ш. Хаитов. Мураса ва Ўзбекистон фалсафаси тарихига кириш. - Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти. 2010 й. –Б. 262.
3. Д.Бобожонов, М.Абдурасулов “Абадият фарзандлари” - Хоразм: “Хоразм Маъмун академияси нашриёти”, 2009. –Б 9.
4. Маҳмуд аз-Замахшарий “Нозик иборалар” У. Уватов таржимаси //ЎзАС, 1996 йил 44-сон.
5. Маҳмуд аз-Замахшарий “Нозик иборалар” У. Уватов таржимаси //ЎзАС, 1996 йил 44-сон.
6. Д.Бобожонов, М.Абдурасулов “Абадият фарзандлари” - Хоразм: “Хоразм Маъмун академияси нашриёти”, 2009. –Б 9.
7. Алишер Навоий. МУКАММАЛ АСАРЛАР ТЎПЛАМИ. Ҳинчи том. ХАМСА. Сабъаи сайёр. – Т.: “фан” нашриёти, 1992 йил. –Б.35.

⁴⁷ Маҳмуд Замахшарий. Нозик иборалар. –Т.: 1992.-61 бет.

⁴⁸ Маҳмуд Замахшарий. Нозик иборалар. –Т.: 1992.-39 бет.